2004 YIL 13 YANVAR, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 6. (6.687). Sotuvda erkin narxda

# ЯНГИ МАРКАЗ БИЛАН ТАНИШУВ

***Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар туфайли миллий армия шаклланди. Ёшларнинг ҳарбий соҳаларга қизиқиши тобора ортмоқда.***



Ватан ҳимоячилари куни арафасида, 12 январ куни давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг яқинда иш бошлаган Моделлаштириш ва симуляция бўйича информацион технологиялар махсус марказига ташриф буюрди.

Марказ энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган. Президентимиз бу ерда яратилган шарт-шароитдан мамнун бўлди.

Айни пайтда марказда Ўзбекистон Қуролли Кучлари академияси тингловчилари малака оширмоқда. Махсус дастурга мувофиқ сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий билим юртлари курсантлари ҳам бу ерда ўз малакасини оширади.

- Ушбу марказнинг ташкил этилиши узоқни кўзлаб амалга оширилган ишдир,- деди Ислом Каримов. - Шундай экан, ўрта бўғин командирлари бу ерда таълим олиши шарт.

Президентимиз зирхли машиналар тренажёрларини кўздан кечирди. Ўқув жараёни ва амалий машғулотларнинг натижалари билан қизиқди. Курсантлар билан суҳбатлашди.

- Ватанимиз, халқимиз сиз каби ўктам, азми қатъий йигитларга ишонади,- деди Юртбошимиз. - Командир ҳар томонлама комил инсон бўлмоғи лозим. Шундай экан, ҳарбийга чақирилаётган ёшларимиз жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлмоғи даркор.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ягона ҳисобланган мазкур марказ ҳарбийларимизнинг ўқув-тактик машғулотлар ва жанговар операцияларни моделлаштиришни ўрганишида, замонавий информацион технологияларни ўзлаштиришида муҳим аҳамиятга эга маскан бўлиб қолади.

**Воҳид ЛУҚМОН,**
**ЎзА мухбири.**

***

**Суратда: ташриф пайти.**
**А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

*14 январ – Ватан ҳимоячилари куни*

# ЛОЧИНЛАР

***2002-2003 ўқув йилида Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмалари ўртасида ўтказилган мусобақада майор Мэлс Жанабаев командирлик қилаётган вертолётчилар бўлинмаси ғолиб деб топилди. Бунда учувчилар капитан Рустам Билолов, капитан Шавкат Омонов ва катта лейтенант Сардорбек Султоновларнинг қўшган ҳиссаси катта бўлди.***

Подполковник Акром Собиров командирлик қилаётган «пўлат қуш» осмонга кўтарилганида соат роппа-роса эрталабки олти эди. Ҳаво очиғу, аммо онда-сонда бўлса-да, кўкда булутлар ҳам кезиб юрибди. Бир қарасангиз, булутларнинг устида учиб юрибсиз, бир қарасангиз, булутлар анча пастда қолиб кетган. Вертолёт учувчиси "Жасорат" медали соҳиби майор Отабек Камолов бир гапни айтиб қолди:

-Ватанимизнинг гўзаллигини томоша қилмоқчи бўлсангиз, тепадан қаранг!

Отабек айтаётган тепа – бу ердан беш минг метр ёки ундан ҳам кўпроқ баландлик. Бундай баландликни забт этиш учун ё вертолётда кўкка кўтарилишингиз керак, ёки самолётда учишингиз даркор. Учишнинг завқини бир бор парвоз қилганлар жуда яхши билишади.

Ҳайдаркўлнинг устидан учиб ўтаётганимизда, назаримизда, чор-атрофни сув қоплагандек эди. Қизилқум устидан учиб ўтаётганимизда эса ҳаммаёқ қумликлардан иборатдек, гўё.

Тошкент билан осмондаги жанглар, яъни машқлар ўтказилаётган полигонни, учувчилар тили билан айтганимизда, бир ярим соатлик парвоз ажратиб турар экан. Самолётдан тушгач, вертолётга чиқдик. Капитан Р.Билолов вертолётни шундай маҳорат билан бошқардики, натижада саксон километрлик масофани йигирма дақиқада учиб ўтиб, қумтепаликда барпо этилган қўлбола аэродромга қўндик. Кимдир:

-Ўртоқ капитан, айнан белгиланган нуқтага қўнибсиз. Қойил! – деди ҳайратини ошкор этиб.

-Буларнинг бари машқлар самараси, - деди камтарона жилмайиб капитан.

Демак, машқда гап кўп эканда. Кейинги пайтларда учувчиларнинг осмондаги машқларига катта эътибор қаратилаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Полковник Холмуҳамедов учишни бошқариш пунктида раҳбарликни ўз қўлига олди.

-Бир юз биринчи! Учишга рухсат этаман.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, майор Баҳриддин Сафаров:

-Кўринди! – дея хитоб қилди.

Барча у қўли билан ишора қилган томонга қарашди. Осмонда бир қора нуқта биз томон думалаб келяпти. Яқинлашган сайин ҳажми катталаша бошлади. Кейин вертолёт эканлиги кўзга яққол ташланди.

-Бу вертолёт, - дея изоҳ берди майор, - шартли душман – парашютда нишон ташлайди. Ана шу нишон то пастга тушиб етгунча вертолётчилар томонидан яксон этилиши керак.

Ҳақиқатан ҳам 2,5-3 минг метр баландликда парвоз қилаётган



вертолёт белгиланган жойга етгач, буйруқ олиб парашют ташлади. Демак, кўкда "душман" пайдо бўлди. Яхшигина шамол эсиб турибди. Бу "ёв"га қўл келади: бир қарасангиз, ўнгга қараб ҳаракат қиляпти, бир қарасангиз, чапга. Гоҳ баландга кўтарилади, гоҳ пастга тушади.

Парашютда ташланган нишон – шартли душман кўздан ғойиб бўлишга шайланмоқда эди. Кўкда капитан Шавкат Омонов командирлик қилаётган вертолётчилар – учувчи штурман капитан Бахтиёр Нурниёзов, борт техниги капитан Анвар Қосимовлар ўз вертолётларида пайдо бўлишди ва душманга қарши ҳужумга ўтишди. Аввало, қулай ҳолат изланди. Қайси томондан қандай баландликда ҳаракат қилиш даркор? Булар жанг тақдирини ҳал этишда энг муҳим жиҳатлар ҳисобланади. Осмонда ҳаракат майдони кенг бўлгани билан зарур нуқталарни тополмасангиз кутилмаганда панд еб қолишингиз мумкин. Бу панд қимматга тушади, ҳаётингиз барбод бўлади, сизга ишониб топширилган жанговор техника зумда парчаланиб кетиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Экипаж аъзолари ёш бўлишларига қарамасдан тўғри ҳаракат қилишиб, "душман"ни – парашютдаги нишонни яксон этишди.

Назаримда, вертолётчиларнинг узоқ давом этган машқларини қисқагина айтиб бераётгандекман. Аслида, ҳар бир вертолётнинг осмондаги жангда иштирок этиши узоқ жараён ва анчагина вақтни олади. Вертолётни учишга – жангга тайёрлаш, ўқлаш, ёқилғи қуйиш, аэродромдан белгиланган жойгача учиб келиш – буларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталиш мумкин. Қисқаликка нима етсин? Вақтингизни олишдан чўчияпман.

Тўртта экипаж осмонда тўрт марта жанг қилишгач, жанглар маълум муддатга тўхтади. Танафус. Биз яна вертолётга чиқиб, машқлар майдонидан саккиз километр узоқликдаги лагер томон учдик.

...Осмонда капитан Баҳодир Солиев командирлик қилаётган вертолётчилар экипажи пайдо бўлди. Яна осмондаги "жанглар" бошланиб кетди.

Кези келди, капитан Баҳодир Солиев ҳақида қисқагина сўзлаб берай. Баҳодир асли Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидан. Учувчиликка ҳавасни амакиси Тоҳир ака уйғотди. Ўзлари учувчи бўлган. "АН-12"да учган. Қолаверса, отаси Турғунбой ака ўғли Баҳодирнинг учувчи бўлишини жуда-жуда истаган. Ўзида ҳам хоҳиш бўлган, албатта. Буларнинг барчаси йиғилиб, уни Жиззах ҳарбий авиация олий билим юртига етаклаган. У ўқишни 1997 йилда тамомлаган. Ана шундан буён осмон унинг иш жойи.

Бугун ана шу билим юртини тамомлаб, жанговор вертолётларни, самолётларни маҳорат билан бошқаришаётган ўғлонларимиз билан фахрлансак арзийди. Ким билади дейсиз, балки эрта бир кун келиб, уларнинг орасидан космонавтлар ҳам етишиб чиқар. Буюкларнинг фарзандлари ҳам буюк бўлади-да! Томирда қон уйғонмоқда. Мустақиллик меваси бу!

(Давоми 2-бетда)

# БУЮК КЕЛАЖАКНИ СОҒЛОМ АВЛОД ЯРАТАДИ

***Бугун спортнинг миллат, давлат ҳаётидаги ўрни ҳақида кўп гапирилмоқда. Дастлаб бу гапларга "мавсумий", деб қаровчилар ҳам бўлгандир. Аммо кейинги воқеалардан аёнки, мамлакатимизда бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Айниқса, болалар спортини ривожлантириш мамлакатимиз раҳбариятининг диққат марказида турибди. Бу бежиз эмас.***

**НИГОҲ**

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг 9 январ куни Оқсаройда бўлган навбатдаги йиғилиши бу фикрни яна бир карра тасдиқлади. Маълумки, мазкур кенгашга мамлакатимизда Республика Президенти, вилоятларда ҳокимлар раҳбарлик қилмоқдалар. Бу эса ана шу масалага нечоғлик катта аҳамият берилаётганлигини яна бир карра яққол тасдиқлайди.

Мажлисда ушбу кенгашнинг ўтган йили 4 июл куни бўлган йиғилишида қўйилган вазифалар ижроси, 2004 йилга мўлжалланган режалар, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида болалар спортини ривожлантириш, спорт иншоотлари барпо этиш дастурининг бажарилиши масалалари муҳокама этилди.

Муҳокамадан аён бўлдики, ўтган давр мобайнида анчагина ишлар амалга оширилган. "Лекин биз ўз олдимизга қўйган талаблар нуқтаи назаридан мавжуд вазиятга баҳо берадиган бўлсак, афсуски, бажарилган ишларни қониқарли дея олмаймиз, - деди Республика Президенти. – Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси нима учун тузилди ва унинг асосий мақсади нимадан иборат? Бу саволга жавоб топиш учун мутасадди раҳбарлар, аввало, қандай жамият, қандай давлат қураётганимиз, унинг асосий хусусиятлари, мақсади нималардан иборат эканини англаб етмоғи лозим. Қураётган жамиятимизга муносиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашимиз керак. Ҳар томонлама ҳавасга лойиқ комил авлодни тарбияламай туриб, эзгу ниятларимизни амалга оширишимиз қийин.

(Давоми 2-бетда)

# "ОБИ ҲАЁТ"ГА "БРИЛЛИАНТ ТОЖ"

***Халқаро танлов қўмитаси ҳамда бир гуруҳ компаниялар ва экспертлар ташаббуси билан Лондонда ўтказилган сифат бўйича XV Халқаро конвенцияда юртимизда фаолият юритаётган "Оби ҳаёт" акционерлик инвестиция компаниясига юқори ютуқлари учун Халқаро сифат совриниа - "Бриллиант тож" топширилди.***

Олтин, Платина ҳамда Бриллиант даражасидаги совринларни топшириш маросимида кўпгина давлатларнинг ишбилармон доира вакиллари ва тадбиркорлари, санъат арбоблари, шунингдек, академиклар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этишди. Халқаро совринни топширишга ишбилармонларнинг ОАВ сўровномаларига бўлган жавоблари, савдо палаталари, элчихоналар, шунингдек, номзодларни танлаб олувчи Халқаро қўмита аъзоларининг овоз бериши асос бўлди. Кўриниб турибдики, дунё миқёсида катта бир нуфузга эга бўлган мазкур конвенцияда юқори доирадаги вакиллар хулосасига кўра қарор қабул қилинади. Хўш, "Оби ҳаёт" компанияси нимаси билан конвенция иштирокчиларининг назарига тушди? Келинг, аввало, компания тарихи ҳақида икки оғиз сўз юритсак. Ана ундан кейин юқоридаги саволимизга ўз-ўзидан жавоб топган бўламиз.




**ФАХР**

"Оби ҳаёт" акционерлик инвестиция компаниясининг вазифаси қишлоқ аҳолисини ичимлик сув, яйловларни оби ҳаёт билан таъминлаш, канализацияни тозалаш ишлари билан шуғулланувчи ҳудудий фирмаларнинг техник сиёсатини амалга ошириш, бошқариш, йўналтиришдан иборат. Республикамиз ҳукуматининг бир қанча қарорларига асосан қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш мақсадида "Оби ҳаёт" томонидан ўтган ўн икки йил давомида 9100 километрдан ортиқроқ масофада водопровод қувурлари ётқизилди, бундан ташқари, инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳам ижобий ишлар амалга оширилди. Ҳукумат қарорларини амалга ошириш учун бир неча хорижий ташкилотлар билан консалтинг, инвестицион ва янги технологияларни жалб қилувчи бошқа фаолиятлар ҳам олиб борилмоқда.

1992-1996 йилларда "Оби ҳаёт" компанияси Чехословакиянинг "INTERSIGMA" концерни билан ҳамкорликда чуқурлик насосларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳа ишларини амалга оширди. Унга кўра ҳамкорликда йилига 10000 тагача насос ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар республикамиз бозорларининг асосий қисмини таъминлай олиш имкониятига эга. Лойиҳа ишларини амалга оширишда чет эл инвесторларининг иштироки 1 миллион 856 минг 287 АҚШ долларига тенг дея баҳоланмоқда.

Яна бир рақам: 1993 йил ESCAP (Экология ва сув таъминоти сектори) (БМТ, Бангкок) ташкилотлари билан ҳамкорликда компания ичимлик суви қуйиш заводининг техник-иқтисодий асослаш лойиҳасини ишлаб чиқди.

(Давоми 3-бетда)

# БЕДОРЛИК

***-Техник-иқтисодий таҳлил. Бусиз ҳеч бир юмушни бажариб бўлмайди, - дейди фермер Маматқул Саломов. – Масалан, бирор иморат қурмоқчисиз, дейлик. Қанча маблағ кетади, лойиҳаси қанақа бўлади, иморат битгач, чўкмайдими, қурилиш ашёларини қаердан олиш керагу, қурувчилар ким? Хуллас, ҳатто оддий михгача чўтга соласиз. Муддат ҳам эсингизда туради. Нега шу ишни фермер хўжалиги ташкил этиб, ер олган киши қилмаслиги лозим?***

"Саидовул" фермер хўжалигининг соҳиби Маматқул ака Саломов билан ишхонасида гурунглашдик. Каттагина иш столи. Китоблар, маълумотлар, турли қўлланмалар, замонавий асбоб-ускуналар. У бир қарашда хорижлик бизнесменга ўхшайди, гапларига қулоқ солсангиз нафақат бугунни, балки юртнинг эртасини ўйлаётган замонавий фермер эканлигига амин бўласиз.

**ТАРАҚҚИЁТ**

-Пенсияга чиққач, уйда ўтиролмадим. Ер олиб, ишлагим келди. Ўрта Чирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли ширкат хўжалигидан 215 гектар ер олиб, фермер хўжалиги ташкил этдим, - дейди у. - Ўйлаб кўрсам, техникасиз ишлаш қийин экан. Бировнинг трактори барибир миннатли-да. Шу боис 2000 йилнинг охирида банкдан 40 миллион сўм қарз кўтариб, далага қандай техника керак бўлса, барини сотиб олдим. Шудгорнинг сифатини ҳеч кимга ишонмай, ўзим назорат қилдим. Ахир якуний натижа ишнинг бошланишдаги сифатга боғлиқ-да. Худди қурилишдагидек, пойдевор бақувват бўлса, иморат узоқ яшайди...

Фермернинг айтишича, илгари бир гектар ерни шудгор қилгани учун тракторчи минг сўм олар экан. Шу маблағнинг бир қисми солиққа кетадию, ишловчининг қўлига арзимаган пул тегади. У шу боис ҳашарчидек номига юрган.

-Иш ҳақини икки карра оширдим. Сифати ёмон бўлса жарима тўлайсиз, дедим. Бу усул ўз самарасини кўрсатди, - дейди Маматқул ака. – Умуман олганда, катта ишни бошлаган одам психолог бўлмоғи керак. Нега?

(Давоми 3-бетда)

**УЙҒУНЛИК**

***Аслида "иқтисодиёт" грекча сўз бўлиб, "уй хўжалигини бошқариш" деган маънони англатади. Иқтисодиёт жуда кенг ва мураккаб тушунчадир.***

У турли тизимдаги мамлакатлар одамларининг тирикчилик воситаларини яратиш ва истеъмол қилиш бўйича амалга ошириладиган алоқалари йиғиндиси ифодасидир.

# ИҚТИСОДИЁТ ВА МАЪНАВИЯТ

Жамиятнинг моддий ҳаёти унинг бошқа соҳаларига нисбатан белгиловчи аҳамиятга эгадир. Бироқ жамиятнинг иқтисодий тараққиёти ва маънавий юксалиши ўртасидаги боғланиш олимлар томонидан турлича изоҳланиб келинган. Бу изоҳлар кўпинча бир-бирини мутлақо инкор қилувчи характерда бўлган.

(Давоми 3-бетда)

# ТАБИБ

***Тошкентдан қайтаётгандик. Самарқанддан ўтиб, довондан тушиб, "Чинор"да чой ичдик. Жўнаётгандик, бир аёл тортиниб, қимтиниб сўради:***

***-Шаҳрисабзга томон юрсаларингиз, мени ҳам олиб кетингизлар.***

Кекса шофёр менга қаради.

-Жой бор, олинг... қийналгандай... Савоб... – дедим.

Аёл орқа ўриндиққа ўтирди. Ёнида ўғилчаси. Бола болада. Интилади, талпинади. Гап шундан бошланди.

Исми Нукра экан. Шаҳрисабзлик. Касалга чалинибди. Куёви, отаси кўп дўхтирга кўрсатибди. Ойлаб даволанибди. Аммо, кундан-кун оғирлашибди. Умид йўқ. Уйига олиб келишибди. Кимдир айтибдики, Термизда... "Шарқ табобати"да... Акром ҳожи табиб бор. Чиқмаган жондан умид. Беморнинг кўзига пул ҳам, йўл ҳам кўринмайди. Дунёдан фақат даво излайди. Акром ҳожи табибга борибди, соғайиб, мана шу ўғилни ҳам кўрибди...

**ЭССЕ**

Нукра Шаҳрисабз йўлида тушди. Мен хаёлга толдим.

Термиз табиблар юрти ҳам. Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳазратлари обрўли табиб бўлган. Аҳмад Устурлобий беморларни даволаган. Минг йил олдин-а... Теран илдизлар бор. Термиздан зўр ҳакимлар, табиблар чиқади... Акром ҳожи табиб... Кўнглимга тугиб қўйдим: суҳбатлашаман.

Йўл узоқ эмасми, хаёлим чалғиди. Ўн йиллар бўлди-ёв... Уйимга Шерободдан бир табиб излаб келди:

-Сиз журналистсиз, менга ёрдам берсангиз.

-Нима гап, - дедим.

-Мен тоғдан бир гиёҳ малҳам топдим. Шу билан ракни ҳам даволайман. Лекин сирини айтмайман. Мени газетага, радиога, журналга, телевидениега чиқарсангиз. Ҳамма харажатни кўтараман. Сиз ҳам қуруқ қолмайсиз... Пулим кўп...

Бирдан шубҳаландим... Ахир, пулдан гапираяпти-ку. Демак, мени билмайди. Юрагимга чўғ ташламоқчи.

-Ҳозир беморларни даволаяпсизми?

(Давоми 4-бетда)

**ИНСОН ЎЗИНГ...**

***Шукр қилмоқ инсоннинг энг гўзал хислатларидан бири. Шукроналикнинг мазмун-моҳиятини англаган кишига бешта иллат яқинлашмайди. Биринчидан, нафс деб аталмиш бало домига тушмайди.***

Чунки, унинг назари тўқ. Иккинчидан, таъмагирликдан узоқ юради, боиси қалби самимият ёғдуси билан нурланган. Учинчидан, хушомадни хушламайди, негаки ҳар қандай тилёғламаликда ёвуз бир ният, манфаат пайт пойлаб ётишини яхши англайди. Тўртинчидан, ўзгалар бахт-саодатини кўрганида чин дилдан севинади, илло кўролмаслик азоби ишлаб чиқаришэтини тирнамайди. Бешинчидан, топганига шукр, топмаганида сабр қилади, ҳаргиз йўқлик учун ҳаётни лаънатламайди.

# ШУКРОНАЛИК - ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТ

(Давоми 4-бетда)

# БЎРИЛАР ҚЎШ ҲАЙДАГАНМИ?

***Йўлимиз яна Қизилқум томонга тушди. Чўққи соқол чўпон билан гурунглашиб қолдик. Миқти гавдали суҳбатдошимиз бўрилар ҳақида сўз очди.***

***-Бўри ақлли йиртқич, унинг ҳайратомуз ҳаракатларини кўриб, ёқа ушлайсиз, - деди чўпон. – Кўп кузатганман. Ростдан ҳам ҳайратланарли ҳаракатлари бор. Уларнинг таъби нозик.***

**ОНАЖОНИМ ТАБИАТ**

Феврал ойи қўйлар бўғозлик даврининг сўнгги палласи ҳисобланади. Бу даврда йиртқич ўлжасининг елинини ейди, чунки унда увуз бўлади. Кейин қўйнинг ичини ёриб, ундаги қўзини ҳам паққос туширади.

-Қўй гўшти-чи? – сўраймиз.

-Бу вақтда қўй анчагина озғин бўлади. Шунинг учун ҳам бўри уни емай, қарға-қузғунларга ташлаб кетади, - дейди чўпон. – Октябр ойида қўй қочирилади. Шу даврдан бошлаб у семиради. Қарангки, бу пайтда бўри қўй думбасини узиб олиб, лахталаб ер экан. Апрел ойигача эса бўрилар Қизилқум бағрини ўзига макон қилиб, эндигина туғилиб, ширбоз бўлган қўзилар билан озиқланади.

Бўрилар чўлда изғиганда чўпонлар хушёр туришади. Тун чўккан пайтлари сурув ортидан юрган қўйчивон сарка қўнғироғини олади-да, бир чуқурликка ётқизиб, тепаликда айлана тарзида ўт ёқиб қўяди. Шундай қилинса, ўтни кўрган бўри тисланиб, сурувга бостириб бормайди. Қўй майдонда юрган чоғида эса бўри кўққисдан ҳужум қилиб, 10-15 тасини ўлдириб ташлайди. Улар бир кун ов илинжида саксон-юз чақирим йўл босади.

Йиртқич изидан юрган Содиқ оқсоқол шундай ҳикоя қилади:

-Йигитлик пайтларим эди. Отарга бўри оралади.

(Давоми 4-бетда)

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ЕР МОЖАРОСИ

ГУЛ ВА ДИЛ

ЖАҲОНГА ЧИҚАЁТГАН ЁШЛАР

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўтган йили баҳор серёғин келгани туфайли пахтакорларимиз қарийб 600 минг гектарга яқин майдонга қайта чигит экишга мажбур бўлган эди. Натижада ғўза ривожи 18-20 кунга кечикди. Аммо, ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, ҳосилдорлик кескин камайиб кетмади.***

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириш, ўсимликларни ҳимоя қилиш, зараркунанда ҳашаротларга қарши курашни самарали ташкил этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ана шу ҳақда гап борди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

2003 йилнинг серёғин келиши далаларда кўсак қурти, ўргимчаккана, шира, трипс каби зарарли ҳашаротларнинг нисбатан кўпайишига сабаб бўлди. Бундай хавф ҳақидаги башоратлар олдиндан тайёрланиб, жойларга етказилган бўлса-да, ғўза зараркунандаларига қарши курашда жиддий хато-камчиликларга йўл қўйилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашда биомаҳсулотлардан самарали фойдаланиш борасида мамлакатимизда бой тажриба тўпланган. У кимёвий воситаларга нисбатан анча арзонлиги, экологик жиҳатдан қулайлиги ва самарадорлиги билан ажралиб туради. Ўтган йили Касби туманидаги Алишер Навоий, Ромитан туманидаги «Халқобод», Жомбой туманидаги «Дўстлик», Хива туманидаги Беруний каби ширкат хўжаликларида биомаҳсулотлардан кенг фойдаланилгани туфайли юқори ҳосил олинди.

Жумладан, Хўжайли туманида зараркунанда ҳашаротларга қарши биологик кураш яхши йўлга қўйилгани боис катта миқдордаги маблағ тежалиб, аввалги йилга нисбатан етти минг тоннадан кўпроқ ҳосил олинди. Кураш кимёвий воситалар ёрдамида амалга оширилган Элликқалъа туманида эса 54,5 миллион сўм ортиқча маблағ сарфланган ва ўтган йилдагидан анча кам пахта териб олинган. Кўриниб турибдики, зараркунанда ҳашаротларга қарши курашда биоусулдан фойдаланиш ширкат ва фермер хўжаликлари учун иқтисодий жиҳатдан анча қўл келмоқда.

Йиғилишда ўтган йили мамлакатимиздаги мавжуд 811 биофабрика ва биолабораториянинг аксарияти тўлиқ қувват билан ишламагани қаттиқ танқид остига олинди. Айрим ташкилот раҳбарлари бу ишга етарли эътибор бермагани, биолабораториялар зарур озуқа материаллари билан таъминланмагани боис далаларга сифатсиз маҳсулот чиқарилди.

Бу йилги қишнинг нисбатан илиқ келиши зараркунандаларнинг яна кенгроқ тарқалиши хавфи борлигидан далолат бермоқда. Бу эса мутасадди раҳбарлардан зарарли ҳашаротларга қарши курашиш учун ҳозирдан пухта ҳозирлик кўришни, мавжуд биолабораториялардан унумли фойдаланишни талаб этади.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Яқинда ўғлимни соғиниб, хол-аҳволидан хабар олиш учун у хизмат қилаётган ҳарбий қисмга бордим.***

# ТАШВИШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

Аваламбор аскарларни кўргани келганлар учун бу ерда жуда яхши шароитлар яратилганини кўриб бир қувондим. Бизга аскарларнинг яшаш шароитлари, дам олиш хоналари, ётоғи, овқатланиш жойларини кўрсатишди. Ҳаммаси аъло даражада, ҳатто уйдагидан ҳам ортиқ.Айниқса, ўғлим ҳарбий хизмат даврида ҳар томонлама камолга етибди. Сўзлари ўктам, ўзи соғлом, жуссаси чиниққан, фикрлари тиниқ. Қисқа вақт ичида бир неча ёшга улғайгандай, гўё. Демак, фарзандлари армияда хизмат қилаётган мен каби ота-оналарнинг улар тақдирини ўйлаб ташвиш чекишларига ҳеч қандай асос йўқ.

**Шарифа НУРМАТОВА,**
**Бўстонлиқ тумани.**

# МЕН ҲАМ АСКАР БЎЛИБ КЕЛДИМ

***Мен ҳам ўтган йили ҳарбий гарнизон қисмларидан бирида сафарбарлик чақирув резервининг бир ойлик йиғинида ҳарбий хизмат бурчимни ўтадим.***

Бу вақт давомида Умумҳарбий низомларнинг асосий қиррасини ўзлаштирдим. Ҳарбий хизматнинг ўзига хос машаққатларини тотиб кўриб, ҳарб санъатидан маълум даражада хабардор бўлдим.

Мен бу ерда сафарбарлик чақируви резерви ҳар томонлама қулай эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Аваламбор ўз оилангдан жуда соғинадиган даражада айриликда бўлмайсан, ўз ишингдан ҳам унча узоқлашмайсан.

Энг асосийси, менга ҳам муддатли хизматни ўтаганлар қатори ҳарбий гувоҳнома беришди. Мен энди истасам, ички ишлар тизимида ҳам ишлашим мумкин. Умуман, мен бу хизматни чин дилдан ўтаб, кўнглим тоғдай кўтарилиб, уйга қайтдим.

**Умар ИСМОИЛОВ,**
**Қашқадарё вилояти.**





# ҚАЛҚОН БОР, ҚАЛЪА БУТ, ҚЎРҒОН САЛОМАТ

***Ваҳоб Абишев Жарқўрғонда яшайди. Отаси Абдураим ака тадбиркор. Шеърни яхши кўради. Қўлидан А.Ориповнинг китоби тушмайди.***

Ваҳоб яқинда армия хизматига бориб келди. У ҳарбий тайёргарликда 24 кун бўлди. Озгина муддат йилга татиди. Ваҳоб жуда хурсанд.

-Бир ойга яқин... Термизда... Кўп нарсани ўргандим. Бошқа бир дунё. Ҳарбий кийимда бирам кучли бўлиб кетгандай туюлар экан. Тартиб-интизом... жуда зўр. Шароитни айтмайсизми?! Ётоқхоналар топ-тоза! 6-8 соатдан дарс ўтдик. Бир қизиқ... Саволлар ёғилади... Бизга катта лейтенант Шавкат Юсупов бошлиқ эди. Ҳам талабчан, ҳам хушмуомала. Қуролларни ўргандик.

Абдураим ака ўғли Ваҳобдан мамнун. Ўғли Ваҳоб ҳарбий қасамёд қабул қилаётган куни ўзи борди. Кўриб, руҳи кўтарилди.

-Мустақиллигимизнинг шарофати... Болаларимиз Россиянинг қуш учмас, тўрғай турмас жерларига бориб, жер ковлаб, дарахт қирқиб, қайтиб келарди. Икки-уч йил туриб, автоматни ушлаб кўрмасди... Мардикорликка кетган одамдай эди...

Қасамёд қилаётган куни бордим... Энасиниям оббордим. Улим Ваҳоб чақмоқдай бўб турибди. Энаси... "Шу ўзингми, Ваҳобжон", деб бағрига босиб, кўзига ёш келди. Шундай суюнди... шундай суюнди...

Оддий аскар Ваҳоб Абишевнинг онаси Кумуш опа Абишева уй бекаси. Дона-дона қилиб сўзлайдилар.

-Журтимиз тинч. Ҳамма томон обод бўлаяпти. Улим 24 кунга бориб, чиройли солдат бўб, қасамёд қиб, армияни битказиб келди. Улим деҳқон хўжаликда ишлайди.... Ишнинг кўзини билади. Пиёз экади, карам эккан... Буларни олиб, ерёнғоқ экади. Ваҳобжон икки йил армияга кетганда бунча ишни ким қиларди?!

Ҳарбий соҳадаги ислоҳотлар айни муддао бўлди. Эл кўнглига узукка кўздек тушди.

**М. ОЛЛОМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти"**
**мухбири.**

# ЛОЧИНЛАР

(Боши 1-бетда)

Майли, ҳозирча яна машқларга қайтайлик. Бу экипаж ҳам, ундан кейинги экипаж ҳам машқларни талаб даражасида бажаришди. Кейинги кунлар ҳамма машқлар шу йўсинда муваффақиятли давом эттирилди. Машқларни кузатар эканман, мени бир жиҳат беҳад мамнун этди: энг жанговар, энг мураккаб техникаларни ҳам ўзимизда тайёрлаган кадрлар бошқаришяпти. Балки бошқаришяпти, деган сўз етарли эмасдир. Маҳорат билан бошқаришяпти...

Жанговар вертолёт учувчилари машқларини ниҳоясига етказишгач, жанговар самолёт учувчилари машқларини бажаришга киришишди. Бир қараганда, жанговар самолёт учувчиларининг машқларини жанговар вертолёт учувчиларининг машқларидан фарқи йўқдек. Аслида эса улар бир-бирларидан тубдан фарқ қилади.

Дастлабки парвоз қилган самолёт беш минг метрлар баландликдан шартли душман – нишонни ташлади. Бир неча ракеталардан ташкил топган, ёйилиб учувчи парашютда ташланган эди.

Парашютнинг ҳаракатларига шамол таъсир этар эди, шу боис шамол турса тез, бўлмаса секин ҳаракат қиларди. Бу нишонга эса шамолнинг таъсир этиши амримаҳол. Лекин ҳаракат борасида – тезкор. Аниқ ва илдам ҳаракат қилинмаса, зарур сониялар қўлдан бой берилиб, шартли душман ўз ёвуз мақсадига эришади. Менимча, фарқни ўзингиз жуда яхши англаб олдингиз. Ортиқча шарҳга ҳожат бўлмаса керак.

Осмонда моҳир учувчи подполковник Алишер Турдиев бошқараётган самолёт пайдо бўлди. Самолётнинг учиш ҳаракати шунчалик тезки, бир нуқтада тутолмайсиз, зумда кўздан йўқолади. Шартли душман – нишон ҳам анойи эмас. Шиддат билан олдинга интилмоқда. Қўйиб берсангиз, ёвуз ниятини амалга оширади, ердаги тинч ҳаётга путур етказади.

Ҳаво сарҳадларимиз мусаффолигини таъминлаш Қуролли Кучларимизнинг муҳим бўғини бўлмиш Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларига бориб тақалади. Жанговар учувчилар эса улар сафида.

Моҳир учувчи подполковник Алишер Турдиев шартли душман – нишон сари парвоз этар экан, лаҳзада хаёлимда бундан йигирма-йигирма беш йиллар илгари бўлган воқеалар жонланди.

Менинг аскарлик фаолиятим шўро замонида ўтган. Жанговар самолётга оз-моз дахлим бор. Латвиянинг Алкусний деган шаҳарчасида олти ойлик самолёт механиклиги мактабини тамомлаганман. Биз хизмат қилаётган полкда чехларнинг "Л-39" ўқув-машқ жанговар самолётида учувчилар тайёрлаш ҳарбий билим юртининг курсантлари тажрибали учувчилар ёрдамида учишни машқ қилишарди. Мен дастлаб механик, кейинчалик самолёт техниги бўлиб хизмат қилганман. Самолётларни учишга тайёрлар эдик.

Хизмат жараёнида учувчилар билан ҳам, курсантлар билан ҳам мулоқот қилишга тўғри келарди. Мен бир нарсага ҳайрон эдим, негадир полкимиздаги учувчилар орасида бирорта ҳам Ўрта осиёлик йўқ эди. Бу саволга жавобни бугун топгандайман. Мустабид тузум сиёсати ҳаётнинг турли жабҳаларида бўлганидек, ҳарбий соҳада ҳам бизларни юксак мураккаб техникани эгаллаб, ўта илғор ва етук ҳарбийлар бўлишимиздан манфаатдор эмасди.

Қуролли Кучларимиз соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Армиямиз учун зарур бўлган мутахассисларнинг деярли барчаси ўзимизда тайёрланмоқда. Хусусан, ҳарбий учувчилар ҳам. Бугун ўзбекнинг фарзандлари қудратли жанговар техникаларни маҳорат билан бошқармоқда. Бўлар эканку!

Подполковник Алишер Турдиев ўз жанговар самолётидан шартли душман – нишонга қарата ракета отди. Душман яширинишга, кўздан ғойиб бўлишига жуда оз фурсат қолган эди. Балки уни сўз билан ифодалаб бўлмас. Бирдан портлаш овози эшитилди. Учишни бошқариш пунктидагилар хурсанд. Бир-бирини табриклашган. Ғалаба, душман яксон этилди. Севинмай бўладими, ахир?!

Шундан сўнг машқлар қизғин тус олди. Осмонда тажрибали учувчи полковник Акбар Ёрбобоев бошқараётган жанговар самолёт пайдо бўлди. Бунда ҳам билим, тажриба ва маҳорат ўз сўзини айтди. Нишон яна муваффақиятли яксон этилди. Учишни бошқариш пунктида қарсаклар янгради.

Учувчилар подполковник Саъди Жумаев, майор Дилшод Ботиров, капитанлар Бахтиёр Отажонов, Мурат Ражабовлар ҳам машқларни кўнгилдагидек бажаришди. Жанговар самолёт учувчиларининг осмондаги машқлари бир неча кун давом эттирилди. Машқлар режага мувофиқ муваффақиятли ўтказилди. Тан олиш керак, ютуқлар ҳам бўлди, айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жанговар самолёт учувчилари машқларни мураккаб шароитларда бажаришди. Шундай бўлишига қарамасдан ўз маҳоратларини намоён этишди. Жанговар самолётларни асл ўзбек ўғлонлари бошқаришди.

**Абдураззоқ ОБРЎЕВ,**
**ҳарбий журналист, подполковник.**

# БУЮК КЕЛАЖАКНИ СОҒЛОМ АВЛОД ЯРАТАДИ

(Боши 1-бетда)

Мазкур жамғарма орқали, аввало, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, спортни оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантириш, айниқса, қишлоқда спортни ривожлантиришни кўзлаганмиз.

Бунга қандай эришиш мумкин? Масаланинг моҳиятини чуқур англаш учун, даставвал, бугунги вазиятга, бугунги аҳволга тўғри, холис, танқидий баҳо бериш лозим.

Дарҳақиқат, мамлакатда 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар сони 6 миллион 720 минг нафар бўлгани ҳолда, уларнинг 1 миллион 830 минг нафаригина спорт билан мунтазам шуғулланаётганлиги қониқарли эмас, албатта. Сирасини айтганда, мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпроғини болалар ва ёшлар ташкил этади. Уларнинг асосий қисми эса қишлоқда яшайди. Аммо қишлоқлардаги жами 7 минг 694 та мактабнинг 70 фоизи спорт залига эга эмаслигига қандай баҳо бериш мумкин.

Ачинарлиси шундаки, жойлардаги мутасадди раҳбарлар, ҳокимлар ҳақиқий аҳволни яширишга уринади. Уларнинг айримлари мустабид тузум давридан қолган лоқайдлик, бепарволик касалидан қутулолмай юришибди.

Ҳолбуки, ҳокимнинг, раҳбарнинг энг асосий вазифаси – аввало, мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатини, унинг устувор йўналишларини, стратегик мақсадларимизни тўғри тушуниш, одамларимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг эртанги кунини ўйлаш, бунинг учун муносиб шароит яратиб беришдан иборатдир.

Чиндан ҳам чуқурроқ ўйлаб, мулоҳаза юритган ҳар бир инсон амин бўладики, аҳолисининг аксариятини ёшлар ташкил этадиган ва уларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда яшаётган мамлакат учун спортни ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлаш - ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган стратегик вазифадир. Бир вақтлар, XX аср бошида улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлоний биз учун тарбиянинг ҳаёт-мамот масаласи эканини такрор-такрор уқтирар экан, бунда миллат фарзандларининг онги, шуурини эврилтиришни кўпроқ назарда тутган бўлса, эндиликда – XXI аср бошида ёшлар тарбиясига янада чуқурроқ ва кенгроқ муносабат қаратиш лозимлиги, яъни уларни ҳам жисмонан, ҳам маънан чиниқтириш зарурати кўриниб турибди. Бу шунчаки декларатив зарурат эмас. Бу - ҳеч бир муболағасиз , ҳаёт-мамот масаласи. Чунки бугун ёшлар жисмига, руҳига, онги ва шуурига тажовуз этишга, ҳар сонияда ҳамла қилишга тайёр турган ёвуз кучлар, мудҳиш бало-қазолар шу қадар кўпайиб кетдики, баъзан ўйлаб туриб, даҳшатга тушасан киши.

Гиёҳвандлик, ичкиликбозлик дейсизми, диний экстремизм, халқаро терроризм дейсизми, неки қабоҳат, неки разолат бўлса, ўз нишу нишонини ёшларнинг пок жисмлари, мусаффо руҳларини эгаллашга, ундан ўзларининг қабиҳ ва разил мақсадлари йўлида фойдаланишга қаратишган. Фарзандларимизни бундай даҳшатли балолардан асраш учун эса уларнинг бўш вақтларини маданий-маърифий масканларда ва кўпроқ стадион ва спорт залларида ўтказишга эришишимиз лозим.

Қишлоқда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш масаласи яна ҳам зарур бўлиб турибди. Бунинг боиси, қишлоқда турли хил маданий, кўнгилочар масканлар шаҳардагидан кўра камроқ. Иккинчи тарафдан, қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида аҳолининг катта қисми, жумладан ёшлар турли мавсумий ишлардан халос бўлмоқда. Уларнинг бўш вақтлари кўпаймоқда. Демак, яна бир муаммо пайдо бўлмоқда. Спорт эса ана шундай муаммоларни ҳал этишга, фарзандларимизни жисман ва руҳан соғлом қилиб камол топтиришга бевосита ёрдам беради.

Жаҳон майдонларида маҳорат кўрсатиб, халқининг фахрига айланган, катта шон-шуҳрат ва молу давлатга эришган, пировардида ўз спорт мактабларини очиб, миллат болалари тарбиясига ҳисса қўшаётган кўплаб профессионал спортчиларни биламиз. Уларнинг аксарияти ўз фаолиятларини қишлоғу шаҳарлардаги оддий спорт заллари, стадион ва майдонларда бошлаганлигини ҳам эшитганмиз. Шубҳасизки, бундай юксак натижаларга эришиш учун йиллар, машаққатли машқлару изланишлар талаб этилади. Бу иккинчи масала. Лекин биринчи, энг муҳим масала шундан иборатки, миллатимиз фарзандларига ана шунинг учун тегишли шароитлар яратишимиз, уларнинг қалбида "биз ҳеч кимдан кам эмасмиз", деган ғурур ва орият алангасини ёндиришимиз керак.

Шубҳасиз, спорт билан шуғулланувчи ҳар бир ёшнинг мақсади профессионал спортчи бўлиш эмас, лекин боладикдан жисмоний тарбияга ошна бўлган ҳар бир ёш, аввало, соғлом, баркамолдир. Иккинчидан, у қайси касбда ишламасин, қайси соҳага қўл урмасин, шижоат, ғайрат кўрсатади, юксак натижаларга, ғалабаларга интилади. Спорт ана шундай мўъжизакор, илҳомбахш, даъваткор кучга эга.

Оқсаройда ўтказилган йиғилиш замирида ана шундай улкан мақсад ётибди. Президент томонидан қатъият билан уқтирилган: "Спорт – миллатнинг, бутун халқнинг сиёсати" деган сўзларнинг маъноси ҳам биз ўйлагандан кўра чуқурроқ ва теранроқдир. Буни ҳар биримиз юракдан англашимиз шарт. Ана шундагина буюк келажак ҳақидаги орзуларимиз қуруқ гап эмас, айни ҳақиқатга айланади. Зеро, буюк келажакни жисман соғлом, руҳан тетик, маънан кучли авлод яратади.

**Ҳабиб ТЕМИРОВ**

# "ҚОРА ЛОЛА"

(Боши ўтган сонда)

-Қочоқ ҳайдовчини қидиряпмиз, - деди терговчи. – Топсак, суд бўлади, келасизми?

Мен қидираётганлари учун миннатдорлик билдирдим. Лекин топишармикан? Ақлим етмади ва саволига жавоб бермай қўя қолдим.

Ундан сўнг укамнинг жасадини кўргани бордим. Бошига келмагунча ҳеч ким ҳеч қачон қадам қўйишни истамайдиган, мен эса шу топда қанот чиқариб учиб келган бу даргоҳда муздай сукунат ҳукмрон, ҳавосидан илиқ рутубат анқиб турибди. Тартибли, ораста. Аммо бу ҳол сира ҳавасингизни келтирмайди. Уларга ҳам хизмат ҳақи лозим экан, майли, ола қолишсин. Чиннидай тоза оёқ остиларига қонлар томгани ва улар қанча-қанча мотамзада инсонларнинг кўз ёши билан ювилгани кўнглимдан ўтди. Қирмизи тахталарни энди мен ҳам кўз ёшлари билан "юва кетдим".

Ўша кунлари бухоролик йигит доим бирга бўлди, анча ёрдами тегди. Кўпдан бери у ёқда яшаб, савдогарчилик билан шуғулланар экан, эскирган "Жигули" машинаси бор. У ўзининг бригада бошлиғи эканини айтди. Бизникилар ишлаётган жойларда "бригадир"лар бўлиши ҳақида эшитгандим. Мен кўрган Орск ва Новоорскда ҳам, демак, шу "усул" бор экан. Яъни, ишлагани борган 5-6 киши битта бригада ва улар "бригадир"нинг "илтифоти"га муҳтож. "Бригадир" деганлари аксарият ўша ерларнинг паст-баландини билади, маҳаллий иш берувчи бойлар билан муомала ва шартлашувнинг ҳадисини олган. У "изланади", йигитларга иш топади, баҳолашади, келишади. Кейин буни "бригада" аъзоларига таклиф қилиб, ўз шартини ҳам ўртага ташлайди:

-Шундай-шундай иш бор, бунча сўм ҳақ беради. Ундан манавинчаси сизларга, шунчаси менга (камида учдан бир қисми).

"Бригада" нима дейди? Болам-чақам дея мусофирчиликда тентираб юрган одамга адолат талаб қилишдан кўра ишнинг топилгани ғанимат. Боз устига Москвада, Самарада ё Сибирда "бригадир"нинг "доля"си бундан ҳам юқори турармиш. Бинобарин, тенгсиз шартга "бригада" дарҳол рози бўлмоғи зарур, билъакс иш қўлдан кетади.

**ҚИСМАТ**

"Бригадир" меҳнат қилмайди, қўлини совуқ сувга урмайди. Бироқ хўжайиндан босқичма-босқич шартлашилган пулни олиб туради ва ўзида сақлайди. Башарти хоҳласа, аъзоларга зарур харажатлар учун чойчақа бериб туради. Қолган асосий сумма унинг тижорати учун дастмоя. Ишчи меҳнат ҳақини олмайдимас, олади. Аммо қачонки, "бўлди, юртимга қайтаман энди" деганида, бунгача эса ойлар, ҳатто йил ўтиши мумкин. У ёқларда "бригадир" деганлари ана шундай одам. Адолат юзасидан айтмоқ лозимки, "бригадир" билан ишлаган мусофирларнинг алданиш ҳоллари бироз камроқ.

Алданиш, дедик. Ҳа, алданганлар, алдаётганлар кўп. Алалхусус, Россияга бориб келиб юрганлар орасида устаси фаранг бўлиб кетганлар ҳам бор. Бошқалар уларнинг зоҳирига қараб, уддабурон, йўл билган, деб ҳукм чиқаришади, ишонишади. Товламачилик ҳисобига бундайлар олиб келган беш-ўн сўм пул ўзгалар кўзига дунё бўлиб кўринади, ялтир-юлтур нарсалар, чарм куртка-ю бошдаги ноёб қундуз телпаклар, енгил-елпи тирикчилик иштиёқидаги йигитларнинг юрагини қиздиради. Бу хусусдаги арзни тинглаган ҳалиги товламачи тузоқни ланг очади:

-Жўна, ука, бир йилда машина миниб қайтмасанг, мана мен кафил.

У ёққа боргач, бечоранинг бор будини шилиб олади-да, тақдир ҳукмига ташлаб қочиб юборади.

-Бир ҳамқишлоғимизнинг ваъдасига ишонгандим, аферист экан. 2002 йил кузда келганман. У аблаҳ Оренбургда бировнинг аллақанча нарсасини олди, эвазига менинг паспортимни гаровга қолдирдида, ном-нишонсиз кетди. Кейин мол эгаси ёқамдан тутди, ўлдириб қўйишига сал қолди. Бир бало қилиб, Новоорскка қочиб келиб, бухороликлардан паноҳ топдим. Бу ернинг милицияси икки куннинг бирида "паспортни топ" деб азоблайди. Пул йўқ, иш йўқ, ҳужжат йўқ – қаёққа бора оламан? Битта товуқ йўқолгудай бўлса, энг биринчи мени ушлайди. Ота-онам, ёш болаларим кўзи тўрт бўлиб кутаётгандирлар...

Мақоламиз қаҳрамонлари конкрет одамлар, минг хил мулоҳазага бориб, уларнинг номини очиқ ёзмадим, холос...

Орскда ишлаётган йигитлардан бири мана бу воқеани айтиб берди. Аввалроқ у Москвада ҳам ишлаган экан. Улар қайтаётганда поездга рэкетчилар чиқишади. Ҳалиги йигитнинг шериги пулини бермайди, қаршилик кўрсатади. Қароқчилар уни дўппослай кетишади, тишларини қоқиб ташлайдилар, оғзи-бурни қонга тўлади. Халта-хулталарини, иссиқ кийимларини вагон деразасидан чўлга улоқтирадилар.

-Кейин гал менга келди, - дейди суҳбатдошим алам билан. – Қаршилик қилиш бефойда эди, бир йил итдай ишлаб топган пулимни ўз қўлим билан индамай топширдим. Аниқ билиб турибманки, ўлдириб қўйишлариям ҳеч гапмас. Кетишда чарм курткамниям тортиб олишди.

...Арзон (қарийб сувтекин) мардикорни ишлатишнинг ҳадисини обдон олган "янги рус" – бизнинг Клюшинбой шундай ҳашамдор иморат солибдики, нақ мэрнинг уйи дейсиз. Наманганликлар (биттаси менинг раҳматли укам) 2002 йили ана шу кошонада уч ой ишлашган-у ҳақларини бермай, алдаган.

-Чиқса молга эгаси сабаб, деганлари тўғри, - дейди Зокир ака. – Айб ўзимиздан ўтгани шундаки, ҳақ масаласида шартлашиб олганимиз йўқ эди. Энди осмон – узоқ, ер – қаттиқ...

Бу орада алданган мардикорлар бу ёққа келиб кетишди. Бориб тағин ҳақларини қисташди, дунёси тўлиб-тошган бой яна пайсалга солди. Улар қаттиқ оғриниб қолишди. Қарангки, Клюшинбойнинг янги солган уйига ўт кетди, шундай ёндики, иморатнинг фақат "склети" қолди, холос. Энди уни тузатиш керак, қурувчи эса ниҳоятда танқис. Иложсиз қолган бой тағин эски "ошналари"га келади. Афсуски, яна унинг ваъдасига ишониб, лаққа тушадилар, раҳмлари ҳам келади. Уч киши уч ойдан ортиқ уриниб, ёнғиндан сўнг қоп-қора куюндига айланган иморатни қайта тиклашади. Ора-сира беш-ўн танга чой пулигина бериб турган ғирром хўжайин узил-кесил ҳисоб-китобга келганда тағин найрангбозликка ўтади.

-Бизни норози қилгани учун уйи куйди, - дейди Зокир ака. – Аслида ҳақимиз жуда кўп, камида 20 минг рублни бермаяпти. Сиз ҳам бир гаплашиб кўринг, ажабмас, униб қолса. Укангизнинг бола-чақасига олиб кетасиз-ку.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

* * *

(Давоми келгуси сонларда).

# ЁНИЛҒИ САВДОСИ ВА ҒАВҒОСИ

***Нефть маҳсулотларини юртимиздан ноқонуний равишда олиб чиқишга уриниш ҳолатлари, айниқса, республикамизнинг қўшни республикалар билан чегарадош бўлган вилоятларида кўплаб кузатилмоқда.***

Аксарият ҳолларда нефть маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи шахслар ўз фаолиятларини қонунга зид равишда, ўғринча, айланма йўллар орқали республикамиз чегараларидан олиб ўтишга уринадилар. Аммо юрт иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи соҳа ходимлари ҳисобланмиш божхоначилар бу каби ҳолатларни ўз вақтида фош этмоқдалар.

**БОЖХОНА**

Яқинда Жиззах вилояти божхоначилари айланма йўллар орқали ҳаракатланаётган "КамАЗ-4310" русумли автоуловни тўхтатиб, божхона назоратидан ўтказганларида унда Жиззах вилояти Мирзачўл туманида истиқомат қилувчи фуқаро Б.Мелдебековга тегишли бўлган 4300 литр дизел ёнилғиси ва 3100 кг минерал ўғити борлиги аниқланди. Суриштирув давомида эса Б.Мелдебеков мазкур юкларни Қозоғистон Республикасига сотиш мақсадида олиб кетаётганлиги маълум бўлди.

Қашқадарё вилояти божхоначилари ҳам бир қонунбузарнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйишди. Ғузор туманига қарашли чўл айланма йўллари орқали Туркманистон Республикасидан Ўзбекистон ҳудудига ўтаётган фуқаро Ш.Хидиров бошқарувидаги давлат белгиси 3 09-64 КФ бўлган "КамАЗ-5320" русумли автомашина тўхтатилиб, божхона назоратидан ўтказилди. Аён бўлишича, мазкур шахс 5850 литр бензинни Туркманистон Республикасидан сотиб олиб, қайта сотиш мақсадида республикамиз ҳудудига ноқонуний йўллар билан олиб келаётганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, яқинда Тошкент вилояти божхоначилари айланма йўллар орқали ҳаракатланиб кетаётган "ЗИЛ-130" русумли автоуловни тўхтатишганда вилоятнинг Тўйтепа шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро М.Маминовга тегишли бўлган 5550 литр бензин борлиги аниқланди. Унинг ҳам мазкур юкларни юртимиздан ноқонуний олиб чиқишни кўзлаганлиги суриштирув давомида ойдинлашди.

Божхона қонун-қоидаларига риоя қилмай, мўмай даромад орттириш мақсадида кўр-кўрона фаолият юритиш оқибатида ҳам молидан, ҳам ҳаловатидан айрилган ушбу кимсаларнинг эндиги пушаймонларидан бирон наф чиқмаслиги аниқ. Чунки қинғирликнинг қийиғи барибир билинади.

**Нурбек САЛОМОВ**

# КЎНГЛИНГ ЯЙРАЙДИ

***Бухорода вилоят марказидан Олотгача бўлган 70 километрдан зиёд халқаро трассанинг икки томонини ободонлаштиришга киришилди. Гул экиш учун мўлжалланган йўлкалар четига ғишт ва тош билан безак берилиб, манзарали дарахтлар ўтқазилмоқда.***

Бу юмушлар асосан ҳашар йўли билан бажариляпти. Жондор,Қоракўл ва Олот туманларининг йўлга туташ ширкат ва фермер хўжаликлари аъзолари йўлсозларга яқиндан ёрдам беряпти.

Ўтган йили Абдулхолиқ Ғиждувоний юбилейи муносабати билан Бухоро-Ғиждувон, шунингдек, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига олиб борувчи йўл бўйлари ҳам гулзорга айлантирилган эди.

**(ЎзА)**

## ЭРКИН ҲАМИДОВИЧ ЭРГАШЕВ



Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фани оғир жудоликка учради. Бешафқат ўлим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, ветеринария фанлари доктори, академик Эркин Ҳамидович Эргашевни 71 ёшида орамиздан олиб кетди.

Эркин Эргашев 1933 йили Самарқанд шаҳрида туғилди. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тугатгач, кўп йиллар мобайнида мазкур ўқув юртида ва Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтида раҳбарлик лавозимларида ишлади. 1984 йилдан умрининг охирига қадар Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг паразитология ва ветеринария акушерлиги кафедрасини бошқарди.

Эркин Эргашев ўзининг бутун куч-ғайрати, билими ва бой амалий тажрибасини ветеринария фанини ривожлантиришга бағишлади. Айниқса, атоқли олимнинг гельминтология, биология, патологик анатомия, иммунитет йўналишлари бўйича фундаментал илмий изланишлар натижаларини амалиётга тадбиқ этиш борасидаги хизматлари беқиёсдир.

Эркин Ҳамидович олиб борган кенг кўламли тадқиқотлари ва эришган катта ютуқлари туфайли нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатларда ҳам обрў-эътибор қозонди. Халқаро гельминтологлар жамияти аъзоси, "К.И.Скрябин номидаги халқаро олтин медал" соҳиби профессор Эркин Эргашев икки юздан ортиқ илмий иш муаллифидир.

Жонкуяр устоз Эркин Эргашев етук мутахассислар тайёрлаш ва тарбиялаш ишига ҳам бош-қош бўлди. Кўплаб иқтидорли ёшлар бевосита унинг раҳбарлигида қимматли илмий-тадқиқотлар олиб бордилар.

Эркин Эргашев ўзининг камтарлиги, меҳнатсеварлиги, юртпарварлиги билан халқимизнинг эъзозига сазовор бўлган олижаноб инсон эди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва ветеринария илм-фанини ривожлантириш йўлидаги катта хизматлари учун олим Ватанимизнинг юксак мукофотлари, 2003 йили "Дўстлик" ордени билан тақдирланган эди.

Заҳматкаш олим, қишлоқ хўжалиги фанининг чинакам фидойиси Эркин Эргашевнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги**
**Ўзбекистон Фанлар академияси**

## "ОБИ ҲАЁТ"ГА "БРИЛЛИАНТ ТОЖ"

**(Боши 1-бетда)**

Унга кўра, Шаҳрисабзда йилига 576 мингта 20 литрлик ҳажмдаги ҳамда 19 миллион 800 мингта 1,5 литрлик ҳажмдаги идишлар ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

1995-96 йилларда компания "SIEMENS" акционерлик жамияти технологияси асосида ичимлик сувни тайёрлаш ва уни тақсимлаш учун контейнер ускуналарини ўрнатиш тўғрисидаги лойиҳани амалга оширди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси ҳукумати гарови остида KfW банки томонидан молиялаштирилди. Келишув баҳоси 12,7 миллион немис маркасини ташкил этди. Инвестиция маблағлари ҳисобига 55 та контейнер ускуналари сувни тайёрлаш ва тақсимлаш учун келтирилди, ўрнатилиб, ишга туширилди. Шу жумладан, 11 та контейнер ускунаси ёрдамида электродиализ усули бўйича гипохлорид натрий ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳанинг амалга ошиши, республикамиз қишлоқ аҳолисининг 200000 дан ортиғини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш имконини беради.

1998 йилнинг сентябридан эътиборан компания Германиянинг KfW банки билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 243-сонли қарорига асосан, Хоразм вилояти қишлоқларидаги аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш дастурини амалга ошириб келмоқда. Мазкур инвестиция лойиҳасида "Оби ҳаёт" компанияси бажарувчи, буюртмачи ва фойдаланувчилик фаолиятини амалга оширувчи ташкилот мақомида иштирок этмоқда.

Бу лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш учун KfW банки мамлакат иқтисодиётига 23 миллион немис маркаси миқдорида имтиёзли кредит киритган бўлиб, шунинг 20 миллиони 0,75 фоизлик тўлов асосида, 40 йил муддат ичида тўлаш шарти билан берилган имтиёзли кредитдир. Қолган 3 миллион марка эса грант сифатида ажратилган. Лойиҳанинг ишга туширилиши келажакда қишлоқ жойларидаги эллик минг кишини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконини беради. Эксплуатацион хизмат, бошқарувнинг Европа стандартлари асосида ташкиллаштирилиши ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётига мувофиқлаштирилиши жорий лойиҳанинг муҳим жиҳатлари саналади. Ажратилган кредит эса истеъмолчиларга тақдим этилаётган ичимлик сувининг харид нархлари орқали қопланиши кутилмоқда.

Компания 2000 йилда Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамда Буюк Британиянинг ABB концерни билан ҳамкорликда турли типдаги сув ўлчагич асбобларни ишлаб чиқиш лойиҳасини ҳам ҳаётга жорий этиш бўйича ўзаро келишувга эришди. Мазкур лойиҳага 1.934.000 АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестицияси жалб этилиши кўзда тутилган.

Ўтган 2003 йилда эса Чехиянинг "INTERSIGMA INDUSTRIAL" ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси билан ҳамкорликда бир қатор консалтинг хизматлари амалга оширилди ва "Наманганагромаш" ОАЖ базаси асосида янги қўшма корхона ишга туширилди. Бу ерда яқин келажакда 15 нафардан 2500 нафаргача бўлган аҳолига хизмат қила оладиган сувни филтрлаш, қайта тозалашга мўлжалланган мўъжазгина қурилмалар ишлаб чиқарилади. Мазкур лойиҳада чет эл инвестициясининг тахминий иштироки 2010 йилга қадар 100 миллион АҚШ долларига етиши мумкин.

Фавқулодда сув танқислигининг олдини олиш мақсадида компания 2000 йилнинг декабр ойи охирларида синов тариқасида Қорақалпоғистонга ичимлик сув таъминоти учун "АКВАМИН" контейнер ускунасини келтиришга муваффақ бўлди. Бу "Мир" космик станциясида ҳам фойдаланилган ва дунёнинг турли жойларида олиб борилган кўп йиллик тажриба асосида "Атоммаш" ва "Главкосмос" (Россия) қўшма технологияси бўйича яратилган ускунадир. Бундан ташқари, яқин кунлар ичида Самарқанд шаҳрида тоза ичимлик сувни етказиб беришга мўлжалланган махсус контейнерлар ишлаб чиқарувчи қўшма корхонани ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Сўнгги йилларда "Оби ҳаёт" акционерлик инвестиция компанияси Халқаро конгрессларда бизнесдаги катта ютуқлари, профессионал ва етакчилиги учун "Сифат учун халқаро Олтин юлдуз" (Париж, 1998 йил), "Халқаро маркетинг ва Сифат Ассоциацияси" (Мехико сити, 1999 йил) ва сифат учун "Халқаро платина юлдузи" (Женева, 2000 йил) каби совринларга сазовор бўлган. Сифат учун берилган бу галги "Бриллиант тож" ҳам ана шу совринларнинг давомийлигини таъминлаши билан бирга компаниянинг Халқаро миқёсдаги нуфузининг ортиб бораётганлигини намойиш этмоқда. Бу, албатта, изланиш ва тинимсиз қилинган меҳнатлар эвазига берилаётган муносиб баҳодир.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## ИҚТИСОДИЁТ ВА МАЪНАВИЯТ

**(Боши 1-бетда)**

Маънавият ва иқтисодиёт ўртасидаги муносабатлар баъзан ялпи миқёсда таҳлил қилинса, баъзан маънавиятнинг муайян таркибий қисмлари, хусусан, ахлоқ, мафкура, дил, руҳият кабиларнинг иқтисодиётга ўтказадиган таъсири ўрганилган.

Масалан, XX асрдаги йирик файласуфлардан бири Макс Вебернинг энг катта хизматларидан бири унинг христиан динидаги протестантлик мазҳабининг иқтисодиёт тараққиётига ўтказган таъсирини кашф этишидан иборат бўлди. Унинг назариясига кўра, христиан дини мазҳаблари иқтисодий тараққиётга муайян даражада тўсқинлик қилган.

Бойликни худонинг неъмати, унга интилишни эса бандаларнинг бурчи деб талқин қиладиган протестантлик эса иқтисодий тараққиёт ва капиталистик муносабатларнинг ривожланишига кучли туртки берган. Иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро боғлиқлиги даражаси, уларнинг ўртасидаги ўзаро таъсирнинг ҳар бир йўналишидаги кучи ва давомийлиги турли даврларда турлича бўлган.

Мовароуннаҳр тарихида ҳам иқтисодиёт, ҳам маънавият тараққиётида милодий IX-XII асрларда улкан ўзгариш юз беради. Бу давр тўғрисида сўз юритганда, тарихчиларимиз асосан маънавий юксалиш тўғрисида гапирадилар. Тўғри, Шарқ уйғониш даври дунёвий ва диний илмлар, адабиёт ва санъатнинг мислсиз ривожи билан характерли. Шу даврда юзлаб улкан алломалар етишиб чиқдики, улар бутун инсоният фахрига айландилар.

Иқтисодий ривожланиш умуман савдонинг, хусусан ташқи савдонинг қай даражада ривожланганлигида ўз аксини топади. Мовароуннаҳрнинг ўзида савдо ва иқтисодиёт ривожланишидан ташқари, бу ерлик савдогарлар дунёнинг узоқ мамлакатларида ҳам фаол тижорат ишларини олиб борган.

1150 йилда Венгрияга борган араб сайёҳи Абу Ҳамид ал-Ҳарнатий у ердаги бозорлар ва савдогарлар тўғрисида шундай ёзган эди: "Ункурия деб аталувчи бу мамлакат 78 шаҳардан иборат. Бу шаҳарларнинг ҳар бири кўплаб қалъа, қишлоқ, тоғ, ўрмон ва боғларга эга. Уларда минглаб мағрибликлар яшайди. Уларнинг сон-саноғи йўқ. Уларда минглаб хоразмликлар ҳам яшайди. Уларнинг ҳам сон-саноғи йўқ. Хоразмликлар савдо билан шуғулланади ва подшога хизмат қилади".

Иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро узвийлигини фақат маънавият билан шуғулланувчи мутахассислар эмас, иқтисодчи олимларнинг кўпчилиги ҳам чуқур англаганлар. Маънавият иқтисодий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи, ривожлантирувчи муҳим омиллар ҳисобланса ҳам, унинг ўзи иқтисодиёт билан узвийликда юқори чўққиларга кўтарилиши мумкин. У иқтисодий тушкунлик даврида ҳам ривожлана олсада, унинг ҳақиқий юксакликка кўтарилиши иқтисодий ўсиш даврида юз беради. Бунга Ғарб тарихи ҳам, Шарқ тарихи ҳам гувоҳлик беради.

XIX-XX аср Европа адабиётининг мумтоз намунаси ҳисобланган Бальзак, Эдгар По, Жек Лондон, Фолкнер сингари ёзувчилар яратган қаҳрамонлар ҳам пул ва бойлик тўплаш тўғрисида туну кун бош қотиради. Бойлик тўплаш учун улар қаҳратон шимолга ёки жазирама жанубга борадилар. Улар қилган қабоҳатлар ҳам, қаҳрамонликлар ҳам бойлик билан боғлиқ эди. Бу ёзувчилар ижобий қаҳрамонларнинг олийжаноб ишларини таърифлашда бойлик қандай ўрин тутганини эътироф қилиш билан бирга, қабоҳатларнинг келиб чиқишига ҳам бойлик сабаб бўлганини ишонарли бўёқларда тасвирлаган. Жамиятнинг иқтисодий ва маънавий ҳаёти тўғрисида, бу икки соҳанинг бири иккинчиси билан узвий боғлиқлиги тўғрисидаги ғояни "Авесто" китобида келтирилган тубандаги фикр билан исботлаш ўринлидир. Зардушт тангри номидан ҳукмдорларга қарата шундай дейди: "Ёмон овқатланган халқ на яхши, кучли ишловчиларга ва на соғлом, бақувват болаларга эга бўлади... Ёмон овқатланишдан одоб, ахлоқ ҳам айниб кетади. Агар нон мўл-кўл бўлса, муқаддас сўзлар ҳам яхши қабул бўлади". Бундай таълимотлар Шарқ алломаларининг ижодларида, уларнинг ғояларида ниҳоятда содда ва лўнда ҳамда теран баён этилганлигини Баҳоуддин Нақшбандийнинг "Дил баёру, даст ба кор", яъни "Қўл меҳнатда-ю, Оллоҳ қалбда бўлсин" деган шиорини яна бир карра исботлаб турибди.

Шарқда оиланинг иқтисодий таъминловчиси эркак бўлгани учун жамиятнинг асосий бўғини бўлган янги оилани тузишда қуйидаги шартлар қўйилади:

Биринчи шарт: "Эркак кишида доимий даромад бўлиши керак";

Иккинчи шарт: "Эркак кишида керакли уй-рўзғор асбоблари ва яшаш учун ўзининг доимий жойи бўлиши керак";

Учинчи шарт: "Ҳар бир эркак ўзига яраша, ўзига мос хотин танлаши керак".

Биринчи шарт бўйича оилада иқтисодий етакчи эр киши эканлиги, иккинчи шарт "уй-рўзғор анжомлари доимий яшаш учун жой" оила мустаҳкамлигини таъминловчи ижтимоий омил эканлиги, учинчи шарт "ўзига мос хотин" деганда бўлажак келин оиласининг ижтимоий аҳволи, иқтисодий таъминланганлиги куёвнинг иқтисодий таъминланганлигига, оилавий аҳволига тўғри келадими, йўқми, дея хулоса қилиш мумкин. Шундан кўриниб турибдики, кишиларнинг моддий ҳаёт шароитлари унинг бошқа соҳаларига нисбатан белгиловчидир.

Бундан ташқари, маънавият иқтисодиётдан узоқлашар экан, жамият аста-секин инқирозга юз тутади. Иқтисодий ривожланиш ва маънавий юксалишда инсон омили ҳал қилувчидир.

Аждодларимиз яратган маънавий мерос шу қадар улкан, шу қадар кенг қамровлики, барчасининг умумий хусусиятларинигина таҳлил қилиш, ундан ибрат ва бу меросни маънавиятимизнинг келгуси ривожи учун асос қилиб олишимиз мумкин.

Маънавият иқтисодий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи ва иқтисодиёт билан узвийликда юқори чўққиларга кўтарилишини инобатга олиб Юртбошимиз халқимизнинг энг ажойиб маънавий қадриятларимиздан бўлган меҳр ва мурувватни улуғлаб, 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилди.

Бундан мақсад одамларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотишни давом эттириш, айниқса, фарзандларимизда ҳам шундай ноёб фазилатларни камол топтириш, бу хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантиришдан иборат. Демак, жамият иқтисодий ва маънавий ҳаёти бири иккинчисини тақозо қилади, улар ўзаро узвий боғлиқликда ривожланади.

**Ботир ОТАБОЕВ,**
**фалсафа фанлари номзоди.**

## ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

### "ЙЎЛ ХАРИТАСИ"

***Исроил бош вазири Ариэл Шарон журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда "Йўл харитаси" деб номланган тинчлик йўлидаги келишувлар режасини қўллаб-қувватлаши ва бу борада ҳар қандай араб мамлакатлари билан ҳамкорлик олиб боришга тайёрлигини айтиб ўтди.***



"Йўл харитаси" режаси асосан Исроил ва Фаластин ўртасидаги низоларга барҳам беришга қаратилган. Учрашувда бош вазир яна Фаластин томони "Йўл харитаси"даги мажбуриятларни бажармаётганлиги ва террор ҳаракатларини ҳали-ҳануз давом эттираётганини айтди.

Шу билан бирга агар икки давлат ўзаро муросага келса, Исроил ҳукумати Фаластинни мустақил давлат сифатида тан олиб, у билан қурол воситасида эмас, балки сиёсий йўл орқали келишувлар олиб боришни таклиф этганини, лекин Фаластин бош вазири ўзаро музокаралардан бош тортаётганини ҳам таъкидлаб ўтди.

### КУЗБАСС КОНИДАГИ ФОЖИА

***Кузбассдаги "Сибирская" кўмир конида 10 январ куни кучли ёнғин содир бўлган. Оқибатда 5 кончи ҳалок бўлиб, 16 киши оғир яраланган.***



Воқеа жойига маҳаллий ва қўшни вилоятлардан ўт ўчириш, фавқулодда вазиятлар ходимлари ва 16 та ҳарбий гуруҳ етиб келишди. Оловни бартараф этиш икки сутка давом этди. Ёнғиннинг келиб чиқишига метан газининг портлаши сабаб бўлган экан.

Конда ҳозирча иш тўхтатиб қўйилган. Фожиа сабабларини ўрганиш мақсадида махсус комиссия иш олиб бормоқда.

### НИЗОЛАР БАРҲАМ ТОПАДИ

***Абхазия ўлкаси раҳбари Грузиянинг янги президенти Михаил Саакашвилига грузин-абхаз келишмовчиликларига барҳам бериш тўғрисидаги таклифларини ўз ичига олган баённомани тақдим этди.***



Унда асосан Абхазия ўлкасидаги мавжуд муаммоларни расмий Тбилиси куч ишлатмасдан ҳал этиши ва Ғарбий Грузияда ҳаракат қилувчи маҳаллий жиноий гуруҳларга қарши қатъий чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Абхазиядаги мавжуд вазият ва грузин-абхаз келишмовчиликлари 2004 йил январ ойининг охирида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтадиган БМТнинг Хавфсизлик Кенгашида муҳокама қилинади.

Хавфсизлик Кенгаши мажлиси БМТнинг Тбилисидаги махсус вакили Хайди Гальявини тайёрлаган ҳужжатлари асосида олиб борилади, дея хабар беради РИА "Новости" ахборот агентлиги.

### «МЕН АЙБДОР ЭМАСМАН»

***Буюк Британия мудофаа вазирлиги эксперти Дэвид Келлининг ўз жонига қасд қилиши мамлакат бош вазири Тони Блэрга ҳам боғлиқ бўлса, у истеъфога чиқади. Журналистларга берган интервьюсида Тони Блэр ўзининг бу ишга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини айтиб ўтди.***



Яқин кунлар ичида Дэвид Келлининг ўлими юзасидан олиб борилган қидирув тафсилотлари маълум қилинади. Спикер Майкл Ховард баён этилиши кутилаётган тафсилотлар докладини муҳокама қилиш учун Тони Блэрни Парламентга чақирди. Лекин бош вазир бундай таклифни рад этиб келмоқда.

### АҚШ ФЕРМАЛАРИДАГИ ОФАТ

***Вашингтон штатининг Мабтон шаҳридаги ферма қорамолларида қутуриш ҳолатлари кузатилган эди. Бунинг оқибатида АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлиги фермалардаги мавжуд жониворларни йўқ қилишга қарор қилди.***



Олиб борилган тиббий тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, Америка фермаларида пайдо бўлган қутуриш касаллигига энцефалит вируси сабаб бўлган экан.

Мана бир неча кундирки, АҚШ фермаларида ушбу вируслар билан олиб борилаётган курашлар самарали натижа бермаяпти. Бундан бир ҳафта илгари худди ана шу Вашингтон штатида 450 та қорамол йўқ қилинганлиги бунга мисол бўла олади.

### ЯДРОВИЙ ДАСТУР

***"Америка ҳукумати Эрон билан алоқаларни яхшиламоқчи экан, Теҳронга ядровий технологиялардан тинчлик йўлида фойдаланиши учун бу ердаги мавжуд атом электростанциялари фаолиятини давом эттиришига қаршилик қилмаслиги лозим", дея баёнот берди Эрон президенти Муҳаммад Хотамий.***



Бундан бир ой муқаддам Теҳрон расмийлари халқаро инспекторларнинг мамлакатда мавжуд ядровий иншоотларни текшириш тўғрисидаги талабини қондирган эди. Шунга қарамай Оқ уй расмийларининг Эронда ядровий қуроллар мавжуд деган гумонлари ўзгармай қолган эди.

Шунингдек, Ҳотамий Бам шаҳрида юз берган зилзила оқибатларини бартараф этишда, ўз ёрдамини аямаган АҚШнинг Эронга нисбатан бундай гумонларидан ҳам воз кечишига ишонишини билдириб ўтди.

**Интернет хабарлари асосида**
**Ш.САНАЕВ тайёрлади**

## БЕДОРЛИК

**(Боши 1-бетда)**

Чунки одамлар ҳар хил-да. Бир қарашда кимнинг табиати, лафзи қанақалигини билиб бўлмайди. Аслида мен одамларни уч тоифага ажратаман. Албатта, бу нисбий. Биринчи тоифа кишилар фидойи бўлишади, улар ҳалоллик билан кун кўрадилар. Афсуски, бундайларни топиш жуда мушкул. Иккинчи тоифадагилар чўчиб ишлайди, амалидан, ёғли жойидан ўлгудек қўрқишади. Уларга жойни бўшат денг, азбаройи ўлиб қолиши ҳам мумкин. Учинчи тоифа кишиларни эса фақат пул қизиқтиради. Улар ҳозир кўпчиликни ташкил этяпти. Назорат қилиб яхши ҳақ тўланг, бундай кишилар тоғни ҳам ағдариб ташлашади. Хўжалигимга ана шундай меҳнаткаш одамларни тўплаганман...



Дала айландик. Фермер ўз ишчилари учун қурган шийпон, ундаги жиҳозлар диққатимизни тортди. Ҳа, бундай бинони қуриш, ҳовлини гулзору дарахтзорга айлантириш учун мулкдорнинг диди баланд бўлмоғи лозим. Дарвоқе, Маматқул ака аслида тажрибали қурувчи. Пенсияга чиққунча у шу иш билан шуғулланган. Унинг бу касби шийпонни, чорвачилик фермасию қайта ишлаш цехлари бинолари, омборхоналар қуришда асқотган экан.

-Ўйлаб қарасам, ер учун чорва ҳам зарур экан. Чунки бу икки нарса бир-бирини тўлдиради. Ерда озуқа етиштириб, чорвага берсак, чорвадан ер малҳами – маҳаллий ўғит олинади. Гўшт, сутнинг ўзимиздан чиқишини айтмайсиз, - дейди фермер. – Шу боис ҳозир 158 бош қорамол боқаяпмиз. Шунинг 88 боши сигир. Сўнг сутни қайта ишлаш учун янги мини заводни ҳам ишга туширдик. Маҳсулотни қайта ишлаш шоличиликда ҳам йўлга қўйилди. Шоли экиб ҳосил оламиз, сўнг уни қайта ишлаб гуруч ҳолида сотамиз. Бу ҳам фойдали, ҳам қишлоқда кўпроқ одамларни иш билан таъминлашга хизмат қилаяпти.

Давлат бизга еру сувни тасарруф этиш ҳуқуқини берди, ўғит ва ёнилғи масаласи ҳал этилган бўлса. Хўш, фермер учун нима қоляпти? Фақат яхши ишлаш-да, - дейди Ўрта чирчиқлик фермер Маматқул Саломов.

-Шунча ишни бор-йўғи уч йилда эплабсиз? Бу бир кишига оғир эмасми?

-Албатта, осон эмас. Аммо ёнимда уч ўғлим бор. Шуҳрат, Шавкат, Санжарбеклар – менинг таянчим. Бири қишлоқ хўжалиги, бири маркетинг ишлари, яна бири эса қайта ишлаш тизимига жавобгар. Бирор катта ишни бошласак ўзаро кенгашамиз. Лойиҳа ё таклиф қанча харажатни талаб этади-ю, эртага қанча фойда оламиз, бари хомчўт қилинади. Шунга қараб ишга киришамиз. Масалан, биз техникалар олиб катта фойда кўрдик. Агар тракторимиз бўлмаганда МТПдан техника олар эдик. Бу ташкилот 1 гектар шудгор учун 30 минг сўм пулимизни олади. Буни 200 гектарга кўпайтиринг-чи? Биргина шудгор учун 6 миллион сўм пул сарфлардик. Бунга баҳорги ер тайёрлаш, экиш, ғўза парвариши ва ҳоказоларни қўшинг. 6 миллионни тахминан бешга кўпайтирсак ҳам техника харажатининг ўзи 30 миллион сўмга боради. Бу энг кам ҳисоблаганда, албатта. Биз эса 31 миллион сўмга эски техникаларнинг 31 тасини сотиб олдик. Эҳтиёт қисм учун беш-олти миллион сўм сарфладик. Қарабсизки, бугун тракторларимиз нафақат ўзимизга, балки қўшниларга ҳам хизмат қиляпти, қўшимча даромад ҳам келтираяпти.



Яна бир гап. Олий Мажлис сессиясида Президентимиз қишлоқ хўжалиги тизимидаги муаммоларга алоҳида тўхталдилар. Албатта, бундан буён ҳукуматимиз тизимга янада кўпроқ эътибор қаратади. Аммо биз мулкдорлар ҳам ўз масъулиятимизни унутмаслигимиз керак эмасми? Очиғини айтиш керак, кўпчилик фермерлар ирригация-мелиорация ишларига эътибор беришмаяпти. Кўпинча кузга бориб ҳосилдорлик пастлигидан азият чекади-ю, ариқ-зовурни тозалаш кераклиги эсига тушади. Қишда эса иссиқ ўрнини совутиб зовурнинг бошига экскаватор олиб боришни истамайди. Бу дангасалик эса энг аввало унинг ўзига зарар. Биз ўтган йил ўн бир ярим километр зовурни тозаладик, икки ярим километр узунликда янги зовур қаздирдик.Илгари ғўзанинг ўқ илдизи сизот сувга чўмилиб, айни саратонда ҳосил туганаклари тўкилиб кетарди. Ниҳолнинг бўйи ҳам ярим метрдан ошмасди. Зовур қазилгач, сизот сувлар сатҳи кескин пасайди. Ҳосилдорлик эса ғаллачиликда уч карра, пахтачиликда икки ярим баравар ошди. Даромаду фойда ҳам шунга яраша бўлмоқда.

Уруғчилик. Деҳқончиликдаги энг муҳим масала саналган бу иш ҳам фермернинг назаридан четда қолмаган. У ғалла уруғчилиги билан шуғулланаяпти. Тегишли ташкилотлар билан келишган ҳолда Молдова, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатларидан 22 хил буғдой навларини келтириб, тажриба участкасида синаб кўрди. Олимлар билан ҳамкорлик ва уруғчилик билан шуғулланиш даромад манбаи эканлигини у яхши англаган. Фақат шугина эмас.

-96 гектар ерда ғалла етиштириб, йилига 300 тонна уруғлик сотамиз. Бу ишнинг соф фойдаси 35 миллион сўмдан ортиқ, - дейди Маматқул ака. – Уруғчиликнинг кафолатли бўлиши, деҳқонлар олдида уялиб қолмаслик учун замонавий ускунани келтириб ўрнатдик. Уруғлик дон даладан келтирилгач, шу цехда ҳам сараланади, ҳам дориланиб, қопланади. Сўнг фермер хўжалигининг кафолати билан ҳамкорларга етказиб берамиз. Насиб этса, 2004 йилда 1000 тонна юқори сифатли уруғлик сотамиз. Бу масалада қўшни фермерлар билан шартномалар тузганмиз.



Рақамлар: "Саидовул" фермер хўжалигининг йиллик товар айланиши 200 миллион сўмдан ортиқ. 2003 йил ялпи фойдаси 90 миллион сўмдан ошди. Фермер "Ташаббус-2003" кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи, республика босқичида учинчи ўринни эгаллаган.

-Бугун фермерлар олдида қандай муаммолар бор, деб ўйлайсиз?

-Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан фермерларга катта имконият ва имтиёзлар берилган. Фақат ақлни ишлатиб меҳнат қилиш керак, ишлаб чиқаришни кўпайтириш лозим. Ана шундагина фермер ўзи яратган маҳсулотни чиройли қадоқлаб, бозорда уч-тўрт карра қимматига сотади. Қишлоғига замонавий ускуналар келтиради. Бу эса турли муаммоларга барҳам беради. Тўғри, бугун фермер олдида муаммолар оз эмас. У йилда бир эмас, балки ҳар ой беш-олти ташкилотга қатнаб, ҳисобот топширишга мажбур. Маҳсулотини тўппа-тўғри чет элга экспорт қилишга қийналади. Гоҳида давлатнинг номини сотиб кериладиган амалдордан пулини ололмай овора бўлади ҳам. Буларнинг бари ўткинчи. Бу муаммолар тез орада ҳал этилади ҳам. Бугун очиғини айтганда, асосий мақсад – ерни яшнатиш, ундан кўпроқ ва сифатли маҳсулот ундирган, она заминни хор қилмаган кишигина ютади. Ахир ҳаммамизнинг мақсадимиз битта: қишлоқ аҳлини, одамларни бой қилиш. Шундай эмасми?..

Хайрлашар пайт у киши шундай деди:

-Бу замонда ёниб, ёндириб яшаш керак. Шундай қилайликки, ҳар бир кунимиз мазмунли, мўъжизали, эсда қоларли бўлсин. Ана шунда фарзандларимиз дунёда ҳеч кимдан кам бўлишмайди.





**Абдунаби АЛИҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**
Б.АКРАМОВ олган суратлар.

Тошкент шаҳридаги "BARAKA-SUT" шўъба хўжалик жамияти (ОКОНХ-18221) тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.
Манзил: Чилонзор, 26-квартал, Заргарлик кўчаси, 23-уй. Тел.: 72-05-80.

Утерянный гос.ордер №03-02/3046 от 4.02.1993 г. права собственности Лебедевой Ангелины Валерьевны на квартиру, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер №05-02/4533 от 6.02.1993 г. права собственности Закирова Тахира на квартиру, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер №01-01/6519 от 20.02.1993 г. права собственности Косова Алексея Николаевича на квартиру, считать недействительным.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги "AR-PRINS-S" хусусий фирмаси "AR-PRINS-S" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилмоқда. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел. 173-73-25.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги "ALMAZ-BIZNES" хусусий фирмасининг думалоқ муҳри ва тўртбурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

